

Ашуро куни аҳли-оиласига кенглик қилиш



11:04 / 24.08.2020 8268

Абу Саид Худрий розияллоху анху ривоят қилади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Кимки Ашуро куни оиласига кенглик қилса, Аллоҳ йил бўйи унга кенглик қилади».

Табароний «Кабийр» ва «Авсат»да, Байҳақий «Шуъабул иймон»да ривоят қилган.

Имом Табароний «Кабийр»да Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Кимки Ашуро куни аҳлига кенглик қилса, йил бўйи кенглик (фаровонлик) ичида бўлади»**, деб айтганлар.

«Ашуро» сўзи луғатда «муҳаррам ойининг ўнинчи куни» маъносини англатади. Мазкур кун бир неча жиҳатларга кўра фазилатли саналади. Уларнинг энг муҳими ушбу кунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Фиръавн ва лашкарларининг зулм ва адоватидан халос қилганидир.

Жоҳилият даврида Қурайш мушриклари Ашуро куни рўзасини тутар эдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳам ушбу кун рўзасини тутиб келганлар. Мадинага келганларида бир йил тутганларидан кейин Рамазон рўзаси фарз бўлгач, ўз умматларига ушбу кун рўзасини тутиш

ихтиёрий эканини маълум қилдилар. Шу билан Ашуро кунининг рўзаси суннат бўлиб қолган.

Амалда Ашуро кунининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўза тутилади. Сабаби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида яҳудийлар ҳам бу кунда рўза тутишлари маълум бўлди. Табиийки, у зот аҳли китобларга тескари иш қилардилар. Шу сабаб: «Келаси йил тўққизинчи куни ҳам рўза тутамиз», дедилар. Аммо келаси йил келмай туриб, у зот Аллоҳнинг даргоҳига рихлат қилдилар. Шундай бўлса-да, у зотнинг сўзлари мусулмонлар учун қонун бўлиб қолган.

Саҳиҳ ҳадисларда Ашуро кунининг рўзаси ўзидан аввалги йилнинг гуноҳларига каффорат бўлиши айтилган. Бу ҳам ушбу куннинг нечоғли фазилатли эканига далолат қилади.

Биз ўрганаётган ривоятда айтилишича, Ашуро куни аҳли-аёли ва қўл остидагиларга ейиш, ичиш, кийим-кечак ва шу каби нарсаларда кенглик қилиш йил бўйи банданинг кенглик ва фаровонликка эришишига сабаб бўлар экан. Бундан келиб чиқадики, мўмин-мусулмонлар Ашуро кунининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўза тутишлари, ўнинчи куни оила бошлиғи ота-она ва фарзандларига ёки бирон жамоатнинг раҳбари, масъул кишилар қўл остидагиларга саҳийлик кўрсатишлар яхшидир. Бу нарса мўминлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланиши, меҳр-муҳаббат ришталари боғланиши ва яхшилик қилаётган кишининг ризқи ва касб-кориға барака киришига омил бўлиб хизмат қилади.

Одилхон қори Исмоилов